

ТИКАНЛИ КОВУЛ (*CAPPARIS SPINOSA L.*) ЎСИМЛИГИНИ ПЛАНТАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Абдуллаева Хуриятхон Зафарбековна

Андион қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
қ.х.ф.ф.д.(PhD), доцент

Бўстонов Зокиржон Тожибоевич

Андион қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
қ.х.ф.н., доцент

Хайиталиева Моҳигул Гайратали қизи

Андион қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, талаба

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6534066>

Аннотация. Ушбу мақолада Тиканли ковул (*Capparis spinosa L.*) ўсимлигини етиштириш ҳамда плантациясини ташкил этиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: тиканлий ковул, уруғ, кўчат, плантация, доривор ўсимлик.

СОЗДАНИЕ РАСТИТЕЛЬНОЙ ПЛАНТАЦИИ *CAPPARIS SPINOSA L.*

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы выращивания и создания плантации каперса колючего (*Capparis spinosa L.*).

Ключевые слова: каперс колючий, семя, саженец, насаждение, лекарственное растение.

ESTABLISHMENT OF *CAPPARIS SPINOSA L.* PLANT PLANTATION

Abstract. This article discusses the cultivation and creation of a plantation of prickly caper (*Capparis spinosa L.*).

Key words: prickly caper, seed, seedling, planting, medicinal plant.

Ўзбекистон Фанлар академиясида 2011 йил 27-апрелда Ўзбекистон шароитида ўсадиган доривор ўсимликлардан доривор препаратлар ишлаб чиқариш масаласига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Брифингни мақсади

ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда доривор ўсимликларни ўрганиш ва етиштириш технологияларини тадбиқ қилиш ҳозирги кунда муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Шундай ўсимлик турларидан бири ковул бўлиб, уни барча маҳсулотларидан турли хасталикларни олдини олиш ва даволаш мумкин. Мевасидан қайта ишлаш саноатида шифобахш ва таркибида йодга бой бўлган консерва маҳсулотлари фармоцевтика саноати учун турли дори-дармон тайёрлаш учун хом ашё сифатида фойдаланилади. Тайёрланган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорни таъминлаш ва саноатни экспорт салоҳиятини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади. Бу тур ўсимлик ҳозирги кунда Республикамизни айрим Вилоят ва туманларини чўл ва дашт минтақаларида ёввойи ҳолда ўсади. Ўсимликни маданий навларини етиштириш ва қайта ишлаш технологияси ўрганилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2017 йил 8 июль куни Наманган вилоятига қилган ташрифида пахтадан зарар кўриб ишлаётган туманларда пахта ва ғалла майдонларини камайтириб, ўрнига юқори даромад берадиган мева-сабзавот, полиз экинларини экиш лозимлигини, айрим туманларда ковар (ковул) етиштиришни йўлга қўйишни тавсия этди.

Республикада сўнгги йилларда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллий флорага мансуб 4,3 мингдан ортиқ ўсимликларнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 тури фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда.

2019 йилда 48 миллион АҚШ доллари қийматидаги қайта ишланган доривор ўсимликлардан олинган маҳсулотлар экспорт қилинган.

Шу билан бирга, таҳлиллар доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, уларнинг плантацияларини ташкил этиш, қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2020 й. ПҚ-4670-сон "Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори имзоланиб, доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграциялаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 1 майдан бошлаб доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш кластерларини (кейинги ўринларда - доривор ўсимликлар кластери) ташкил этиш, шунингдек, ҳудудларни доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ихтисослаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди.

Ушбу қарорда Тиканли ковул (*Sarcoparis spinosa L.*) уруғ ва кўчат ҳолида механик таркиби енгил тупроқлар, тоғолди ҳамда текислик ер майдонларига мос, қурғоқчиликка чидамли (ксерофит) ўсимлик эканлиги туфайли Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Оҳангарон туманларида, Жиззах вилоятининг Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш, Наманган вилоятининг Поп, Чуст, Андижон вилоятининг Асака, Булоқбоши, Андижон, Кўрғонтепа ва Жалақудуқ туманларида, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг барча туманларида етиштириш тавсия этилган.

Ўзбекистоннинг дашт ва адирли тупроқ-иқлим шароитида фойдаланилмай келинаётган ўрмон фонди даштли ва адирли зоналаридан унумли фойдаланиш ҳамда у ерлардан иқтисодий самара олишнинг долзарб

вазифаларидан бири доривор ўсимликлар плантацияларини тўғри ташкил этишдир. Ковулчилик энг истиқболли тармоқ бўлиб, уни йўлга қўйиш ортиқча маблағ ва ресурсларни талаб қилмайди. Сабаби, ер бағирлаб ўсадиган тиканли бута жой танламайди, сувсизликка ўта чидамли. Ёввойи турлари май ойидан то октябргача ўсиб, ҳосил беради.

Ушбу қарорни ижроси сифатида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти Андижон филиали ва Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти олимлари томонидан “Тиканли ковул (*sarpatis spinosa* L.) ўсимлигини плантациясини ташкил этиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида Наманган муҳандислик технологиялари институти олимлари томонидан асос солинган Ковул ўсимлигининг Ўзбекистон – 20 нави уруғларидан 2 килограмм миқдорда январ ойида лаборатория шароитида старификацияга қўйилди. Ушбу уруғлар униб чиққандан сўнг 13 апрель куни Андижон давлат ўрмон хўжалигига қарашли Бобур ўрмон участкасининг 1 гектар адирлик майдонига экилди.

Бу йил экилган уруғлар устида фенологик кузатув ишлари олиб борилади ва ҳар бир олинган натижалар асосида маълумотлар ҳамда ҳисоботлар тайёрланади.

Ковул ўсимлигини биологик хусусиятлари; Кавардошлар оиласи вакиллари сут ширасиз ўт ва бута ўсимликлардир. Уларнинг барглари оддий ёки панжасимон мураккаб, бандли, навбатлашиб жойлашган, кўпинчи ён баргсиз бўлади. Гуллари икки жинсли, якка-якка ёки ёпик тўпгулда жойлашган. Косача барги 4 та, тожибарги 4 та бўлиб диагонал жойлашган бўлади. Оталиги чексиз ёки 4-6 та, ўртадаги 4 таси 2 тасининг бўлинишидан келиб чиққан. Оналиги 1-2 та ёки бир неча мева баргли. Тугунчаси устки, бир ёки кўп уяли ва кўп уруғ куртакли. Уруғ куртаги букилган, меваси кўсаксимон ёки резовормевасимон, ёрилганда лоласимон мева бўлиб хашаротлар билан чангланади.

Гул бандини учи ўсиб оналигини кўтариб турувчи узун банд гинофорга айланиши оиланинг характерли белгиларидан биридир. Бундай ўсимта оталикларда ҳам ҳосил бўлади. Улар гул тузилиши билан бутгулликларга ўхшайди, аммо ён барглари билан бўлмаслиги билан улардан фарқ қилади.

Хозирги кунда Андижон тумани Бўтақара массиви адирлик майдонлари ковул кўчатларини экиш учун тайёрланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Саҳобиддинов С.С. Ўсимликлар систематикаси. Т., 1966 й.
2. Широков Г.П. Практикум по технологии хранения ва переработки плодов и овощей. М., 1974 г.
3. Мацкевич В.В., Лобанов П.П. Сельскохозяйственная энциклопедия. Том 3, 4. М., 1975 г.
4. Саломатлик энциклопедияси. Т., 1985 й.
5. Қорабоев Қ. Она табиатни асрайлик. Т., 1991 й.
6. Мерганов А.Т. “Кавар (*Capparis spinosa*) ўсимлигини экстремал шароитларда ўстириш ва маҳсулотни қайта ишлаш технологияси” бўйича Тавсиянома: Наманган-2017 йил.